

чанқоқлик, иштаҳасизланиш, бефарқлик, ахлатни суюклашуви, қон аралаш ажралиши, баъзан емга ва сувга интилмаслик ҳолатлари қайд этилди.

Тажриба охирида эса гуруҳда жўжаларнинг сақланувчанлиги 100 % ни ташкил этди.

Эймериоз билан спонтан касалланган жўжаларга эймериостатикларни таъсир самарадорлиги

№	Гуруҳларни номланиши	Жўжалар бош сони	Жўжа ёши, (кун)	Тажриба бошида тирик вазн, (гр)	Жўжалар сақланувчанлиги, (%)	Тажриба охирида ўртача тирик вазн, (гр)	Тана вазн ортиши (%)	Ўртача кунлик ўсиш (гр)	ЭЖИ (балл)
1	Соғлом Назорат	70	15	350±10	100	710	102,0	60	200
2	Тажриба Интракокс	15	15	350±10	100	640	82,28	48,3	181,2
3	Тажриба Ампровет 25% + немовит	15	15	350±10	100	680	94,28	55	192,4

2-тажриба яъни интракокс қўлланилган гуруҳ жўжалари орасида эймериознинг ўзига хос аломатлари баъзан кузатилди, жўжалар орасида ўлим ҳолати қайд этилмади. Ўртача кунлик тана вазнининг ортиши 48,3 граммга ва эймериозга қарши индекс 182,2 баллни ташкил этганлиги қайд этилди.

Ампровет 25 % + немовит қўлланилаётган яъни 3- тажриба гуруҳ жўжалари орасида эймериозга хос аломатлар кузатилган бўлсада, жўжалар меъёрида озикланиб, ўсиш ва ривожланиш жараёни давом этди. Натижада жўжаларнинг сақланувчанлиги 100% ни ташкил этган бўлса, ўртача кунлик ўсиш 55 граммга, эймериозга қарши индекс 192,4 баллда аниқланди.

Хулоса. Эймериостатик препаратлар эймериоз қўзғатувчиларига қарши фаоллигини ўрганиш ва касалликдан даволаш тажрибадан кўриниб турибдики:

Ампровет 25 % + немовитни 1 кг емга 500 мг+1 л сувга 1 мл дан қилиб 5 кун давомида қўлланилганда ушбу препаратни қўзғатувчиларга нисбатан самарадорлиги юқори бўлиб, эймериозга қарши индекс 192,4 балл, жўжаларнинг сақланувчанлиги 100 % ва кунлик ўсиши ўртача 55 гр га тенг эканлиги аниқланди.

СИГИРЛАРДА ҚИШ ФАСЛИДА МОДДАЛАР АЛМАШИНУВИ ДАРАЖАСИ

Б.Т.Сидиков – магистрант, М.Б.Сафаров – илмий раҳбар, доцент

Аннотация: моқолада сигирларда қиш фаслида кальций, фосфор алмашинуви даражаси тўғрисидаги маълумотлар баён этилган.

Калит сўзлар: моддалар алмашинуви, метаболизм, минерал ва витамин алмашинуви, Д витамини, холекальциферол, эргокальциферол, остеопороз, оteoфиброз.

Мавзунинг долзарблиги. Аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини янада яхшироқ қондириш давлатимиз аграр сиёсатининг устивор йўналишларидан бири ҳисобланади. Чорвачиликни жадал ривожлантириш, халқимиз учун озиқавий ва санитария жиҳатидан юқори сифатли ҳамда тўла қийматли чарвачилик маҳсулотларини етказиб беришга алоҳида эътибор қоратилган.

Маълумки чорвачилик оғир ва мураккаб соҳа бўлиб, чорва молларининг бош сонини кўпайтириш, уларнинг наслини яхшилаш, касалликлардан ҳимоя қилиш заманавий ветеринария хизматини талаб этади, “Лекин бугунги кунда зооветеринария шахобчалари

замонавий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан таъминланмаган, уларда малакали мутахассислар етишмаслигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу борадаги аҳвални, албатта қониқарли деб бўлмайди” деб таъкидлаган эди Биринчи Президентимиз И.А.Каримов.

Юртимизда аграр соҳанинг чорвачилик, паррандачилиқ, балиқчилик ва асаларичилик тармоқларида ҳам бозан муносабатларини қарор топтиришга қаратилган иқтисодий ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Ушбу ишлар самарасида Республикада қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари сони ошди. Зооветеринария сервис хизматлари пунктлари замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди ва кўрсатиладиган хизматлари яхшиланди (Х.Тешабоев, 2012)

Афсуски ҳозирги кунда республикада ҳайвонларни тўйимли озиқалар билан меъёр даражасида озиқлантирмаслик республикада чорвачиликни ривожлантиришга салбий таъсир этади ва организмда моддалар алмашинуви касалликларининг риважланишига сабаб бўлади. Ҳайвон организмга озиқлантириш тури ва сифати катта таъсир қилади. Ҳайвон етарли миқдорда озиқлантирилмаса организмда сарфланган моддаларнинг ўрни тўлиқ қопланмайди, ошқозон шираси секрецияси кўпаяди, ичак ҳаракати секинлашади, ич қотиш ривожланади. Кейинчалик ошқозон шираси ишлаб чиқариш камаёди; оксил, углевод ва ёғлар охиригача парчаланмайди (оксиллар альбуминларгача, углеводлар декстрингача парчаланаяди) ва улар қонга сўрилмай ичакларда тўпланиши натижасида чиритувчи микроблар ривожланади ва организмни захарлай бошлайди; юрак-қон томир тизими иши кучсизланади; жигар иши пасаяди, организмнинг иммунологик қарши тўрни қобиляти пасайиши натижасида ҳайвон юқумли касалликларга тез берилувчан бўлади.

Кавшовчи ҳайвонларни етарли миқдорда озиқлантирмаслик каттақориндаги файдоли микроблар сони, тури ва фаолиятига салбий таъсир этади; инфузориялар 3-4 кунларда бутунлай йўқ бўлади; бактериялар сони 50 фоизга камаёди; бунинг натижасида клетчатканинг ҳазмланиши 70-90 фоизга пасаяди.

Сигирларда кальций-фосфор алмашинувининг асосий сабаби ҳайвонларни озиқлантириш меъёрларига риоя қилмаслиқдир.

Тадқиқотлар объекти ва услублари. Тадқиқотлар СамҚХИ ўқув-тажриба хўжалигига қарашли соғин сигирларда ўтказилди. Текширишлар объекти сифатида 4-6 ёшдаги сигирлар олинди ва уларда клиник ҳамда биокимёвий текширишлар ўтказилди, кишки озиқа рацион таркиби ва озиқалар тўйимлилиги аниқланди.

Хўжаликдаги сигирлар организмнинг тўйимли моддалар витаминлар ва минерал моддаларга бўлган эҳтиёжларининг қондирилиш даражасини ўрганиш мақсадида сигирлар рацион таркиби ва озиқаларнинг тўйимлилиги бўйича зоотехникавий таҳлил ўтказилди. Озиқалар таркибидаги озиқа бирлиги ҳазмланувчи протеин, қанд, каротин, кальций, фосфор, клетчатка миқдорлари адабиёт маълумотлари (Далакьян В.П., Рахманова Ш.Т., 1986) асосида аниқланди, таҳлил қилинди ва хулосалар чиқарилди.

Биокимёвий текширувларда қон зардобидидаги умумий оксил, ишқорий заҳира, умумий кальций, аорганик фосфор миқдори; қонда глюкоза миқдори умум эътироф этилган усулларда аниқланди.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқотдаги сигирларнинг қиш фаслидаги рацион таҳлили 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Тадқиқотдаги сигирларнинг қиш фаслидаги рацион таҳлили

Т/р	Озиқалар тури	Миқдори, кг	Озиқа бирлиги	Ҳазмланувчи и протеин, г	Қанд	Каротин, мг	Кальций, г	Фосфор, г
1	Макка силоси	4	0,80	36,0	106	80	5,6	1,6
2	Буғдой сомони	1,5	0,36	5,4	4,5	7,5	5,0	1,4

3	Беда сенажи	2,5	0,88	178,0	48,0	100,0	27,0	2,5
4	Пахта шелухаси	2	1,0	24,0	-	-	2,6	4,4
5	Омихта ем (шрот)	1	0,89	329,0	65,0	1,0	4,1	10,1
	Рационда	11 кг	3,93	572,4	223,5	188,5	44,3	20,0
	Талаб этилади		8,0	750	640	300	50	35
	Фарқи		-4,07	-178	-416	-112	-5,7	-15,0

Сигирларнинг кишки рациона таҳлили шуни кўрсатдики, кишки рацион асосан силос – сенаж – концентрат типига бўлиб, рационнинг 36,4 фоизини макка силоси, 22,7 фоизини беда сенажи, 13,6 фоизини буғдай сомони, 18,3 фоизини пахта шелухаси ва 9,1 фоизини омихта ем ташкил этиб, умумий тўйимлилиги 4,0 озиқа бирлигини ташкил этади. Озиқлантириш меъёрига солиштирганда рацион тўйимлилиги 2,0 озиқа бирлигига камлиги; ҳазмланувчи протеиннинг 178 граммга, қанднинг 416 граммга, каротиннинг 112 миллиграмга, кальцийнинг 5,7 грамга, фосфорнинг 15 граммга танқислиги аниқланди.

Сигирлар организми эҳтиёжларининг қондирилиши тўйимли моддаларга нисбатан 50 фоизни, ҳазмланувчи протеин 76,3 фоизни, қанд 35 фоизни, қанд 35 фоизни, каротин 62,8 фоизни кальций 88,6 фоизни, фосфор 57,1 фоизни ташкил этди. Рационда оксил – қанд нисбати меъёрдаги 1:0,8 – 1,5 ўрнига 1:0,39га; кальций-фосфор нисбати меъёрдаги 2:1 ўрнига 2:0,7га тенг бўлди.

Бу фаслда сигирларда клиник текширилганда ошқозон олди бўлимларининг гипотонияси, кесувчи тишларнинг кимирлаши, охириги дум умуртқаларининг сўрилиши аниқланди.

Сигирлар қонининг айрим биохимик кўрсаткичларини текшириш натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2–жадвал

Қиш фаслида сигирлар қонининг айрим биокимёвий кўрсаткичлари

Т/р	Ушқорий оксил г/л	Ишқорий захира, ҳажм %CO ₂	Умумий кальций, Моль/л	Анорганик фосфор, Моль/л	Глюкоза, Моль/л
1	65,4	43,4	2,22	1,31	2,16
2	69,3	45,2	1,60	1,32	1,67
3	66,3	43,8	2,22	1,37	1,96
4	65,8	42,7	2,28	1,38	1,84
5	69,7	40,5	1,40	1,31	1,76
Ўрача	67,3+1	43,1+0,81	1,94+0,09	1,34+0,07	1,88+0,07
Меъёр	72-86	46-66	2,3-3,13	1,45-1,94	2,22-3,33

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики қиш фаслида, сигирларнинг биологик хусусиятларига жавоб берадиган тўлақийматли озиқлантириш шароити яратилмаганлиги сабабли қоннинг аниқланган барча биохимик кўрсаткичлари ўртача меъёр кўрсаткичидан паст бўлган: умумий оксил миқдори фоиз, ишқорий захира 23 фоиз умумий кальций 28 фоиз, анорганик фосфор 21 фоиз, глюкоза миқдори 32 фоиз паст кўрсаткични кўрсатди.

Бу кўрсаткичлар қиш фаслида сигирлар организмда моддалар алмашинуви бузилиши жараёнлари кетаётганлигидан далолат беради.

Адабиёт маълумотларига кўра (М.Б.Сафаров, 1981) қиш ва баҳорда сигирларнинг биологик хусусиятларига жавоб берадиган тўлақийматли озиқлантириш шароити яратилмаслиги натижасида сигирларнинг 50 фоизда ёзги пайтда ҳам моддалар алмашинуви даражаси меъёр кўрсаткичига тикланмайди, касаллик кўпинча яширин ривожланиб, суякларнинг ўсишдан тўхташи, шаклланган суяклар гидрооксипатит қисмининг остеолизиси, қон ва мускул тўқималаридаги кальций, фосфор миқдорларининг ва маҳсулдорлигининг камайиши кузатилади. Қоннинг электралит таркибини меъёр даражада

сақлаб туриш учун зарур элементлар суякдаги захиралардан қонга ўта бошлайди ва суяклар деминерализацияси (остеомаляция) ривожланади.

Хулосалар:

1. Ҳайвонларнинг биологик хусусиятларига жавоб берадиган тўлақийматли озиклантириш ва сақлаш шароитларини яратгандагина ҳайвонларнинг соғламлигини, тез ўсиб ривожланишини ва юқори ҳамда сифатли маҳсулот беришини таъминлаш мумкин.

2. Сигирларнинг қишки рацион асосан силос-сенаж-концентрат типига бўлиб, озиклантириш меъёрларига солиштирганда рацион тўйимлилиги 2,0 озиқа бирлигига, ҳазмланувчи протеиннинг 178 г, қанднинг 416 гр, каротиннинг 112 мг, кальцийнинг 5,7 г, фосфорнинг 15 г танқислиги аниқланди. Рационда оксил-қанд нисбати меъёрдаги 1:0,8-1,5 ўрнига 1:0,39ни, кальций – фосфор нисбати меъёрдаги 2:1 ўрнига 2:07ни ташкил этди.

3. Қоннинг айрим биокимёвий кўрсаткичларининг ўртача меъёрий кўрсаткичларидан пастлигини кўрсатди. Ўртача меъёр кўрсаткичидан умумий оксил кўрсаткичи 15 фоиз, умумий кальций 28 фоиз, анорганик фосфор 21 фоиз, глюкоза микдори 32 фоиз, ишқорий заҳира 23 фоиз камлиги аниқланди.

4. Сигирларнинг рацион ва қон кўрсаткичлари таҳлили қиш фаслида сигирлар организмда моддалар алмашинуви бузилиши жараёнлари кетаётганлигини кўрсатади.

СИГИРЛАРДА ЁЗ ОЙЛАРИДА МОДДАЛАР АЛМАШИНУВИ ДАРАЖАСИ

Б.Т.Сидиқов – магистрант, М.Б.Сафаров – илмий раҳбар, доцент

Аннотация :моқолада сигирларда ёз ойларида кальций, фосфор алмашинувида ражаси тўғрисидаги маълумотлар баён этилган.

Калит сўзлар: моддалар алмашинуви, метаболизм, минерал ва витамин алмашинуви, Д витамини, холекальциферол, эргокальциферол, остеопороз, остеопороз, остеопороз.

Мавзунинг долзарблиги. Аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини янада яхшироқ қондириш давлатимиз аграр сиёсатининг асосий жабҳаларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2006 йил 23-мартдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида”ги, 2008 йил 21-апрелдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари Республикамизда чорвачиликни хусусий мулкчилик асосида жадал ривожлантириш ва рентабелли соҳалардан бирига айлантириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, ички бозорни гўшт, сут каби ҳаётий муҳим озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор тўлдиришнинг муҳим омили сифатида ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Қорамолчилик фермер хўжаликлари шароитида асосан сигирларда қалций-фосфор алмашинуви бузилиши касалликлари кўп учраб, чорвачилик фермер хўжаликларида катта иқтисодий зарар етказмоқда, яъни бу касалликлар оқибатида, сигирлар орасида чиқимнинг кўпайиши, касалликларни даволаш ва олдини олиш учун харажатлар, касалланган сигирларнинг эрта подадан чиқарилиши ва маҳсулот ишлаб чиқариш учун озиқа сарфининг кўпайиши кузатилади.

Чорвачилик фермер хўжаликлари шароитида парваришланаётган сигирларда қалций-фосфор алмашинуви бузилиши касалликларининг сабаблари ва ривожланиш механизми, симптоматикасини ўрганиш, диагноз қўйиш, олдини олиш усуллари ишлаб чиқиш ишнинг мақсадини ташкил этади. Шуни эслатиб ўтиш керакки, қиш ва баҳорда тўлиқ озиклантирилмаган сигирларнинг 50 фоизда ёзги пайтда ҳам моддалар алмашинуви даражаси тикланмайди. Шунинг учун ҳар бир хўжаликда етарли ем-хашак базасини яратиш, ҳайвонларнинг ёши, тана вазни, физиологик ҳолати ва маҳсулдорлигига қараб, меъёрдаги ем-хашак билан таъминлаш зарур.